

ИМОМ БУХОРИЙ “ХАЛҚ АФЪОЛ АЛ-ИБОД” АСАРИДА ЗИКР ҚИЛГАН  
БИДЪАТЧИ ТОИФАЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7559197>



ELSEVIER



**Абдуллаев Зоҳиджон Абдисаматович**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот  
маркази илмий ходими.

11, А.Қодирий, Тошкент, 100011, Ўзбекистон.

E-mail: zahid81aza@gmail.com).



**Abstract:** Таъкидлаш лозимки, Имом Бухорийнинг мазкур асари ўз даври ва ундан олдин пайдо бўлган мубтадиъ ва эътиқодда адашган тоифаларга раддия сифатида ёзилган бўлсада, ҳозирги замонавий даврда ҳам турли ёт ғояларга алданган, мутаассибона қарашларга эга кимсалар ва тоифаларга раддия беришда маънавий мавқеини йўқотмаган муҳим манбалардан бири сифатида ундан истифода этиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда илдиз отиб, урчиб бораётган бидъатчи оқим ва тоифалар қадимги мубтадиъ гуруҳларнинг меросхўрлари бўлиб, қадимда бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам, ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Бу эса, ўз динидаги эътиқодий қарашларни билмаган содда ва гўр инсонларнинг қалбларига шубҳа-ғумонлар солиб, тўғри йўлларида адашишларига олиб келиши мумкин.

Шунга кўра, ушбу мақолада замонамизда янгидан пайдо бўлишга ҳаракат қилаётган бузғунчи гуруҳларни Имом Бухорийнинг мазкур асари орқали ўрганишга ҳаракат қилинади.

**Keywords:** Имом Бухорий, Халқ афъол ал-ибод, мушаббиха, мужассима, жабарийлик, қадарийлик, жаҳмийлик, бидъатчи, мўътазилӣй.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 21-01-2023

Accepted: 22-01-2023

Published: 22-01-2023

## Кириш

Маълумки, Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари, турли хил мубтадиъ гуруҳларга раддия хусусияти билан ажралиб туради. Ҳақиқатда ушбу китоб жаҳмийлар, мўътазилӣйлар, рофизалар, мушаббихалар, қадарийлар, жабарийлар, лафзийлар каби бир неча мубтадиъ гуруҳларга қарши берилган раддияларни ўзида жамлаган китоб. Ушбу раддиялар улкан илмий-маърифий қимматга эга бўлиб, жаҳмий, мўътазилӣй, мушаббиха қабилардан ажралиб чиққан ҳозирги ва келажак даврларда пайдо бўладиган бошқа мубтадиъ жамоаларнинг илдизларини қуритишда улкан ҳисса қўшади.

## Асосий қисм

Биринчи: “Мушаббиха” – Аллоҳ таолони сифатларида махлуққа ўхшатганлар. Улар насороларнинг аксидирлар<sup>144</sup>.

Аллома ушбу асарда жаҳмийларнинг мушаббихаларга ўхшаши ҳақида сўз юритар экан, улар хусусида шундай дейди: “Баъзи илм аҳли шундай деган: “Жаҳмийлар улар мушаббихалардир. Чунки мушаббихалар Раббларини эшитмайдиган, кўрмайдиган, сўзламайдиган, яратмайдиган, қар

<sup>144</sup> Муҳаммад Анвар Бадахшонӣй. Ақийдату ат-Таҳовия шарҳининг талҳийси. Таржимон: Шайх Муҳаммад Содӣқ Муҳаммад Юсуф. Тошкент: HILOL-NASHR, 2019. – Б. 432.

ва соқов бут-санамга ўхшатганларидек жаҳмийлар ҳам, У сўзламайди Ўз нафсини кўрмайди, деганлар. Шунингдек, Аллоҳнинг исми ҳам яратилган, деганлар<sup>145</sup>.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қадимда бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам, мушаббихалар фаоллашиб, “Аллоҳ таолони бандаларга ўхшатиш” фикри кенг оммага жадал суръатда тарқалиб, омма халқнинг қалбидаги тоза, соф имонида шубҳа гумонлар уйғотмоқда. Энг ачинарлиси, айнан Имом Бухорийнинг, ушбу “Халқ афъол ал-ибод” асари орқали мушаббихаликни тарқатишга ҳаракат қилинаётганидир.

Демак, бошқача қилиб айтганда мушаббихалар Аллоҳ таолонинг сифатларини махлуқотларнинг сифатларига ўхшатишни ўзларига эп кўрган нобакорлардир.

Иккинчи: “Мўътазила” – Бу фирка аъзолари Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳининг ўлимидан кейин, иккинчи юз йилликнинг бошларида Аҳли сунна вал жамоадан ажралиб чиққан бўлиб, уларнинг бошлиқлари Амр ибн Убайд (-/144х) ва Восил ибн Атодир (-/131х). Аҳли суннадан четга чиқиб, жамоатдан ажралиб ўтирганларига ишора қилиб: “Улар мўътазилалар – ажралиб олганлар”, дейилган. Шундан сўнг бу фирка шу ном билан аталган.

Тадқиқотларда келишича, бу мазҳабнинг асосчиси Восил ибн Атодир. Унга Ҳасан Басрийнинг (-/110х) шогирди Амр ибн Убайд эргашган.

Ҳорун Рашид замонида Абул Ҳузайл (-/235х) иккита китоб тасниф қилиб, уларнинг мазҳабини баён этди. У бу мазҳабни беш асосга бино қилди: адл (адолат); тавҳид; ваъийдни ижро қилиш; икки манзила ўртасидаги манзила; амру маъруф ва наҳий мункар<sup>146</sup>.

Имом Бухорий “Халқу афъол ал-ибод” асарининг аксар ўринларида мўътазилаларга қарши раддиялар берган. Чунки, мўътазила фирқаси Аллоҳ таолонинг каломини яратилган деган ва бу асар аслида Қуръонни махлуқ эмаслигини исботлаш учун ёзилган. Шунга кўра асарда мўътазиланинг эътиқодий қарашларига кескин раддияларни учратиш мумкин. Жумладан:

“Абдурахмон ибн Аффондан ривоят қилинади: “Бишр ал-Марисийга дарра урилган йилида Суфён ибн Уяйнанинг шундай деганини эшитдим. Ибн Уяйна суҳбат мажлисида ғазабланган ҳолда турдида: “Қуръон Аллоҳнинг каломи. Дарҳақиқат, Амр ибн Динор, Ибн ал-Мунқадир, Мансур ибн Мўътамир, ал-Аъмаш ва Мисъар ибн Кидом каби кўплаб (олим ва буюк) инсонларни кўрдим ва уларнинг суҳбатида бўлдим, деб, сўнгра: улар эътизол (мўътазила) ҳақида ва рофизалар, қадарийлар ҳақида сўз юритдилар ва

<sup>145</sup> Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқу афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Тадқиқотчи: Фаҳд ибн Сулаймон ал-Фаҳид. Ж. 2. Ар-Риёд: Дор Атлас ал-Ҳазроъ, 2005. – Б. 59.

<sup>146</sup> Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақийдату ат-Таҳовия шарҳининг талхийси. Таржимон: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тошкент: HILOL-NASHR, 2019. – Б. 432.

бизларни ўша қавмлардан узоқлашишга буюрдилар. Биз Куръон фақат Аллоҳнинг каломи эканини биламиз. Бундан бошқасини айтганларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин. Бу сўз насронийларнинг гапларига ўхшашдир. Улар билан ҳамсухбат ҳам бўлманг, гапларига қулоқ ҳам солманг”, деди”<sup>147</sup>.

Ушбу далилни келтириш билан Имом Бухорий аввало, мўътазила фирқаси Аллоҳнинг каломини махлуқ деганига ишора қилган. Шунинг билан бирга, бошқа исмлари зикр қилинган мазҳабларни ҳам ботил эканини ушбу далил билан исботлаб кетган.

Учинчи: “Қадария” – банда ўз иш ҳаракатларини қилишга қодирдир, уларни яратувчидир, деб эътиқод қилувчилар. Улар ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик Аллоҳнинг тақдир қилиши билан бўлишини инкор этадилар.

Мўътазила билан қадария бир нарсадир. Лекин Аҳли сунна вал жамоадан ажралиб олганлари учун “мўътазила”, қадарни инкор қилиб, “Банда ўз иш ҳаракатини ўзи халқ<sup>148</sup> қилади” деганлари учун “қадария”, дейилади<sup>149</sup>.

Демак, қадария ва мўътазилалар бир фирка аъзолари бўлиб икки исм билан номланган. Уларнинг қадарни инкор қилиб, “Банда ўз иш ҳаракатини ўзи яратади” дейишларига Имом Бухорий куйидагича жавоб қилади:

“Абу Абдуллоҳ деди: “Ана энди, бандаларнинг феълларига келсак, дарҳақиқат, бизга Али ибн Абдуллоҳ, Марвон ибн Муовия, Абу Молик, Риббий ибн Ҳирош гапириб бериши орқали етган ва Ҳузайфа розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **“Албатта, Аллоҳ барча уста-хунармандни ва унинг ясаган нарсасини ҳам яратади”**, дедилар. Баъзилар ўша пайт: «..сизни ҳам, қолган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган..»<sup>150</sup> оятини тиловат қилишган”, дейди”, бу билан ясалган нарсалар ва уларнинг эгалари яратилган эканларини хабарини берди<sup>151</sup>.

Тўртинчи: “Мужассима” – Аллоҳ таолога жисм нисбатини берган нобакорлардир. Бу тоифа ҳозирги кунда жуда урчиб бораётган қадим тоифалардан бири бўлиб, бу ҳақда кейинги бандда батафсил тўхталиб ўтилади.

Бешинчи: “Жаҳмия – Жабария” – Жаҳм ибн Сафвон Самарқандийга эргашганлар. У сифатларни рад қилиб, таътийл қилган – сифатларни амалдан қолдиргандир. Жаҳмийлар аслида Аллоҳнинг сифатларини инкор

<sup>147</sup> Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халку афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Тадқиқотчи: Фаҳд ибн Сулаймон ал-Фаҳид. Ж. 2. Ар-Риёд: Дор Атлас ал-Ҳазроъ, 2005. – Б. 25-26.

<sup>148</sup> Халқ – яратилган демакдир.

<sup>149</sup> Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақийдату ат-Таҳовия шарҳининг талхийси. Таржимон: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тошкент: HILOL-NASHR, 2019. – Б. 434.

<sup>150</sup> Соффат сураси, 96-оят.

<sup>151</sup> Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халку афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Тадқиқотчи: Фаҳд ибн Сулаймон ал-Фаҳид. Ж. 2. Ар-Риёд: Дор Атлас ал-Ҳазроъ, 2005. – Б. 66.

киладилар. Улар таътийл, яъни сифатларни амалдан қолдириш ҳақида сўз юритганлар.

Жаҳм ибн Сафвон Самарқандий (78 – 128х) ўз ақийдасини ҳижрий 118 санада Холид ибн Абдуллоҳ Қасрий томонидан Воситда ўлдирилган Жаъд ибн Дирҳамдан олган<sup>152</sup>. У қуйидаги фикрни олға сурган ва шу фикрига кўра “жабария” тоифасига асос солган: «Аллоҳ таолодан бошқа бирор кимсага иш-ҳаракат нисбати берилмайди. Иш-ҳаракат ва амаллар мажозий маънога кўра бандага нисбат қилинади. Бандаларнинг феълларини улар ўзлари эмас, балки, ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи яратади. Инсон эса тамоман мажбурланган. Ҳар қандай куч-қудрат ва хоҳишдан холидир. Аллоҳ таоло банда учун феълларини яратади, сўнгра банданинг қўллари орқали содир этади». Уларнинг наздида табиий яъни, қўл титраши, юрак урушига ўхшаш феъллар билан баъзиларга ихтиёрийдек туюлган юриш, гапириш, ҳаракатланишга ўхшаш феъллар ўртасида фарқ йўқ. Уларнинг барчаси Аллоҳ таоло тарафидан мажозий маънода эмас балки, ҳақиқатга кўра яратилган дейдилар<sup>153</sup>.

Жабарийларнинг фикрлари ва далиллари таҳлили: албатта, ушбу мазҳабнинг эътиқодий қарашлари Қуръони карим оятларини тўғри тушунмасликлари сабабидан ҳамда Қуръони карим оятлари маъноларининг кўрсатмалари билан бир қаторда уларни далил қилишда ўзларининг асослари ва фикрларига суянишлари ортидан келиб чиққан. Чунки банда феълнинг фоили (қилувчиси) эканига шариат, ақл ва ҳис барчаси билигттифоқ далолат қилади. Шунга кўра, банда қилганига яраша танбехга ҳақли бўлади. Аллоҳ таоло: «Сизларга фақат қилган амалларингиз жазоси берилмоқда, холос»<sup>154</sup>. Яна бошқа оятда: «ва ҳар бир жон, қилганига яраша жазосини олганда..»<sup>155</sup>, деган.

Маълумки, ақл ва нақл ҳар бир феълни фоили (бажарувчиси) борлигини тасдиқлайди. Шунга кўра, банда ҳам феълни ҳақиқий фоилдир. Чунки, Аллоҳ таолонинг Ўзи унинг феълига фоил ва содир этувчи қилди. Аллоҳ таоло эса Холиқ (яратувчи)дир. Банда эса бажарувчи ва касб этувчидир. Аниқ ва очиқ-ойдин келган Қуръони карим оятларига қарши бўлгани сабабли, ҳеч қандай шак-шубҳасиз жабарийларнинг ақидалари ва сўзлари ботил экани ошқордир.

<sup>152</sup> Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақийдату ат-Таҳовия шарҳининг талхийси. Таржимон: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тошкент: HILOL-NASHR, 2019. – Б. 434.

<sup>153</sup> Абул Ҳасан Ал-Ашъарий. Мақолот ал-исломийин. Ж. 1. Байрут: Ал-Мактабату ал-асрийя, 1990. – Б. 279; Шаҳристоний. Ал-Милал ва ан-нихал. Ж. 1. Қоҳира: Муассасату ал-ҳалабий, 1968. Б. 73.

<sup>154</sup> Намл сураси, 90-оят.

<sup>155</sup> Оли Имрон сураси, 25-оят.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018.
2. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақийдату ат-Таҳовия шарҳининг талхийси. Таржимон: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тошкент: HILOL-NASHR, 2019.
3. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқу афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Тадқиқотчи: Фаҳд ибн Сулаймон ал-Фаҳид. Ар-Риёд: Дор Атлас ал-Ҳазроъ, 2005.
4. Абул Ҳасан Ал-Ашъарий. Мақолот ал-исломийийин. Байрут: Ал-Мактабату ал-асрийя, 1990.
5. Шахристоний. Ал-Милал ван-ниҳал. Ж. 1. Қоҳира: Муассасату ал-ҳалабий, 1968.